



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • 2001-yil, 20-aprel • N17 (3607)

Адабиёт ва санъат, умуман баъдий ижод тарихига назар ташлаганда бир ҳақиқат аён кўринади: одамларни, эзгуликка, бунёдкорликка, яхшиликка чорлаш, Ватан ва халқ манфаати, юрт тинчлиги, эл бахти йўлида узининг фидойилиги, мардлиги ва жасорати билан бошқаларга ибрат бўлаётган қаҳрамонларни шарафлаш баъдий ижоднинг абадий мавзуларидан бўлиб келган. Бу дунёда донишманддан сўз, ботирдан жасорат қолади, деган ҳикматнинг мамиятида ҳам аслида юксак инсоний мезонларга давват руҳи

деди. Бу жараён биз, ижодкорлар олдига ҳам катта вазифаларни қўядики, бу ҳақда жлддий уйлаб кўрмоғимиз шарт. Президентимиз

даврдэ эътибордан четда қолмаган, барча замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Адабиёт ва санъат ҳамма вақт ҳаётдан идеал излаган, ибрат ахтарган.

ВАТАН ХАЛҚ ВА ОЛДИДАГИ БУРЧ

"Давр ва замонавий қаҳрамон" мавзудидаги илмий-амалий анжуманда

Токи халқ бор экан, жамият бор экан, улуг мақсад-муддаолар рамзи бўлган инсонлар тинчликни яратиш ва улардан ибрат олиб яшаи эҳтиёжи, албатта, бўлади. Айниқса, бизнинг халқимиз ёш авлодни ибратли анъаналар асосида тарбиялашга катта эътибор беради. Худди шунингдек, адабиёт ва санъатнинг ҳам ўз олдига қўйган аниқ мақсадлари бор. Бу — унинг ижтимоий тарбия воситаси сифатидаги вазифасидир.

"Халқ кимга ҳавас қилиб яшаи керак?", "Бугунги кунда кимни қаҳрамон деса бўлади?", "Кимдан урناк олиш мумкин?" деган масалалар ҳар бир миллат баъдий тафаккурини ижод ва изланишга ундаб келди. Бунинг натижасида ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос баъдий қаҳрамонлари яратилган. Чунки ўз келажагини уйлайдиган, ўз ҳаётининг маъно-маъмунини юксак гоилар йўлидаги интилишларда деб билладиган ҳар бир халқ, ҳар бир жамият буюк мақсадларга эришиш йўлидаги фидойилик ва қаҳрамонликни ўзгалар қиёфасида эмас, аввало, ўз фарзандлари, ўз вакиллари сиймосида кўриши истаиди.

Мустиқиллик шарофати билан ижод эркинлиги учун барча шариотлар яратилди. Эндликда ижодкор кўнгли хоҳишига қўра, ўзи истаган мавзу ва усулларда ёзладиган имкониятларга эга. Бироқ ижод эркинлигининг яна бир жиҳати ҳам бор, яъни ижодкор жамият олдигаги масъулиятини, баъдий ижоднинг ижтимоий функциясини унутиб қўмаслиги пазим.

Демоқчимизки, адабиёт ва санъат ўз зиммасидаги ижтимоий вазифаларни ўзидан соқит қилолмайди. Зотан, жамият ҳам адабиёт ва санъат ривожига қоқайди ва бепарво қараса, баъдий тафаккурда ривожланиш бўлмайди.

Маълумки, баъдий ижоднинг асосий вазифаси инсонни эзгуликка давват этиш, адолат ва тараққиётга хизмат қилиш билан бирга кимни ва нимани ибрат намунаси қилиб тасвирлашдан иборат бўлиб келган. Зеро, "адабиёт" атамасининг "адаб" сўздан оллингани, унинг моҳияти миллатни ибратли инсонлар, яхши ишлари тасвир воситасида тарбиялашдир. Бинобарин, эзу гоиларни тарғиб этиш бугунги кунда ҳам адабиёт ва санъатнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Зеро, адабиёт ва санъатнинг қадр-қиммати, ижтимоий аҳамияти, ижодкор масъулияти, аввало, унинг халқ ва Ватан олдигаги бурчини қанчалик адо этаётгани билан белгиланади. Шунингдек, ҳақиқий адабиёт ва санъат асарларининг салмоғи, авваламбор, озошлик, эзгулик, инсонийлик гоиларини қанчалик чуқур акс эттиргани

(Давоми 2-бетда)

ШАҲРИСАБЗ — ДУНЁ САЙҚАЛИ

● Хивадаги "Ичон қалъа" ва Бухоро шаҳрининг тарихий марказидан сўнг қадимий Шаҳрисабз ҳам ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси рўйхатида киритилди. ● Жаҳоннинг тўрт мўъжизаси. ● ЮНЕСКО бош директори Кончеро Машура йўллаган ҳужжат

Мозий йилномаларидан маълумки, шаҳрлар қурилиши худди нодир афсона ва эртка каби мўъжизавий аҳамият касб этган. Инчунин, бирор шаҳарнинг ўзгача йўсинда барпо қилиниш жараёни озгачи ижод дурдоналари яратилишидан сира кам бўлмаган. Негаки, халқ достонларида аждодлар кўнгли гузалиги васф этилган бўлса, обидаларда буюк боболаримиз куч-қудрати ўз аксини тогганки, бетақор ёдгорлик Оқсарой пештоқида "Гузалиги жиҳатидан ҳайратланарли ва кўк гўмбазлари бўлган бу бино, пештоқ куббаларинда ўз аксини тогган ва жиъланувчи машъалага ўхшайдур", дея битиб қўйилгани беҳиз эмас. Дарҳақиқат, шундай. Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган фотиҳлар ўз шон-

шуҳратларини обидалар шаклида Ер юзига кўз-кўз этганлар. Шу боис ана шу "сўзловчи тошлар" дунё сайқали мақомини олган. Тиллардан тилларга кўчиб юрвчи "Самарқанд сайқали рўйи заминаст" ибораси ҳам фикримизнинг ақлол далилидир. Зотан, нафақат Самарқанд, айна кунда Хива, Бухоро, Шаҳрисабздаги обидалар дунё қадимшуносларини ҳайратга солувчи манбалар сирасига кирди.

Гарчанд, собиқ шуролар салтанати авжга минган палларда ҳам маъзур эрткамонанд шаҳарларга дунёнинг турли-туман бурчакларидан сайёҳлар ташриф буюриб туришса-да, бундай марказлар ЮНЕСКО эътиборидан чеккароқда қолиб келган эди. Фақатгина шўро тузуми инқирози боис маъзур нуфузли ташкилот раҳбарияти инсон заковати, куч-қудрати тинчлик саналими нобъ маъмуларини кўз қорачигидек асраш амалига жиҳдий киришди. Хусусан, 1990 йилда Хива шаҳридаги "Ичон қалъа", орадан уч йил ўтгач, Бухорои шарифнинг тарихий маркази ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси рўйхатида киритилди.

Утган аср адоғида — 27-30 ноябрда олис минтақа Австралида ўтказилган юксак анжуманда Соҳибқирон Амир Темур номи яна бир қарра ёлданди: Марказий Осиё маданий ва сийсий ҳаётида беқийёс аҳамият касб этган темурийлар даврига оид меъморчилик маъмуи яхши сақланиб

Давоми 2-бетда



бор. Бой маданий меросимиз, мумтоз адабиётимиз анъаналари, мустиқиллик туфайли юзага келган ижодий эркинлик муҳити ижод ақли олдига умум манфаатга мос идеалларни топши, ибрат намуналарини кенг ёйишдек масъулиятни вазифаларни қўймоқда.

Ижодкор дунё маданиятидан, маънавий, адабий-баъдий таърибларидан нечоғли хабардор бўлмасин, у, аввало, давр кишиси, эзи яшаётган жамиятнинг онгли азбоси, мамлакат фуқароси. Шу боис у ўз Ватани ва ватандошларининг қувончидан, ташвишларидан четда туролмайди, уларни буюк ўзгартишлар жараёнига қорлайди, шундан илҳом олади, фидойи юртдошларини улуглаб, номларини Алломишу Барчинойларга менгазайди. Аслида, бу барча замонлар ва халқлар адабиётининг етуқ вакиллари ижодига хос хусусиятлар. Ҳар қандай ижод маҳсулининг марказида эса давр воқеаларига муносабат, замонавий қаҳрамон сиймосини яратишдек масъул вазифа туради.

Чоршанба кунин Миллий матбуот марказида утган "Давр ва замонавий қаҳрамон" мавзудидаги илмий-амалий анжуманда айна шу масалалар қизгин муҳокама қилинди. Ижодий гурунгда адиб ва шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, адабиётшунос ва санъатшунос олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов анжумани очаркан, утган ун йил Ватанимиз тарихида, ҳар биримизнинг тақдиримизда гоят муҳим босқич бўлди,

маърузалари, суҳбатларда маънавиятимизнинг айнан шу масаласига жиҳдий эътибор қаратиш позимлигини таъкидлаётди. Хусусан, давр ва замонавий қаҳрамон масаласи ҳақида Президентимизнинг билладиган мулоҳазалари кўнглимизда янги ижодий изланишларга рағбат уйғотди. Бу масала, нафақат ёзувчиларнинг, балки барча ижод ақлининг вазифасидир.

Истиқлол йиллари ижодкорларимиз учун мутлақо янги имкониятлар очилди. Эски мафкура даврда кўнглиб қолинган қаҳрамон ҳақидаги тушунчалар тубдан ўзгарди. Модомики, давр янгилашти, бу масалага муносабат ўзгариб бораётган экан, демак, замонавий қаҳрамон масаласи ҳам бугун бошқачароқ жабанглаши шарт. Утган йиллар мобайнида биз мустиқиллигимиз берган имкониятдан кенг фойдаланиб, қалбимиз амри билан кўпгина асарлар ёздик.

Энди бизнинг зиммасида адабиётимизда, санъатимизда ёшларга, жамиятга намуна, ибрат бўладиган қаҳрамонлар образини яратишдек масъулиятни вазифалар турибди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, таниқли ёзувчи Хайридан Султонов анжуманда кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилиб, ижодкорлар эътиборини адабиётимиз ва санъатимиз олдига турган муҳим вазифаларга қаратди.

Дарҳақиқат, ҳаёт таърибаси, тарих сабоқлари шундан далолат берадики, замонавий қаҳрамон масаласи ҳеч бир

фарзандлари, ўз вакиллари сиймосида кўриши истаиди.

Мустиқиллик шарофати билан ижод эркинлиги учун барча шариотлар яратилди. Эндликда ижодкор кўнгли хоҳишига қўра, ўзи истаган мавзу ва усулларда ёзладиган имкониятларга эга. Бироқ ижод эркинлигининг яна бир жиҳати ҳам бор, яъни ижодкор жамият олдигаги масъулиятини, баъдий ижоднинг ижтимоий функциясини унутиб қўмаслиги пазим.

Демоқчимизки, адабиёт ва санъат ўз зиммасидаги ижтимоий вазифаларни ўзидан соқит қилолмайди. Зотан, жамият ҳам адабиёт ва санъат ривожига қоқайди ва бепарво қараса, баъдий тафаккурда ривожланиш бўлмайди.

Маълумки, баъдий ижоднинг асосий вазифаси инсонни эзгуликка давват этиш, адолат ва тараққиётга хизмат қилиш билан бирга кимни ва нимани ибрат намунаси қилиб тасвирлашдан иборат бўлиб келган. Зеро, "адабиёт" атамасининг "адаб" сўздан оллингани, унинг моҳияти миллатни ибратли инсонлар, яхши ишлари тасвир воситасида тарбиялашдир. Бинобарин, эзу гоиларни тарғиб этиш бугунги кунда ҳам адабиёт ва санъатнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Зеро, адабиёт ва санъатнинг қадр-қиммати, ижтимоий аҳамияти, ижодкор масъулияти, аввало, унинг халқ ва Ватан олдигаги бурчини қанчалик адо этаётгани билан белгиланади. Шунингдек, ҳақиқий адабиёт ва санъат асарларининг салмоғи, авваламбор, озошлик, эзгулик, инсонийлик гоиларини қанчалик чуқур акс эттиргани

(Давоми 2-бетда)

ВАТАН НИМА? МУСТАҚИЛЛИК-ЧИ?

Мен «Уғлимга мактублар» китобини нашрга тайёрлаш асносида хатога йўл қўйганимни англаб етдим. Ота фарзандига беражак насиҳат, оталик бурчини ёзувчилик қарашларим билан у й г у н л а ш т и р и б янглишмадим. Лекин, мен унга асосий мавзуда сўз очини унутганим, ундай олмаганимни пайқаб қолдим. Одоб-ахлоқ, дўстлик, садоқат, билим, ҳаттоки севги бобида ўзим англаган ҳақиқатлар хусусида тўхталдим. Ниҳоят, бугун китоб нашрга тахт бўлган бир пайтда уйлаб қолдим — хўш, юкорида айтганим мавзулардан кўра менинг руҳиятида чақмоқ янглиғ ёришган, барча интилишларимнинг ўзани, ботинимга куч берган мезон ниманда? Оддий савол; инсон қачон мен инсондай яшай бошладим, деган фикр қаршисида қаддини эътиборга ўзимиз, борлик, маъжудлик, келажак ва ҳиссийларни ардоқлаш даражаси киндик қонимиз тогман тупроқ илдизига маҳкам болганишдан вужудга келмайдими?

Илдизимиз — Ватан. Ундан узилиб кетсак, яшаганимиз ёлғон. Одамозод озошлик-ни, мустиқилликни англаб етиши, қадрлашдан аввал Ватанин севини, Ватанга айлана билиши керак. Истиқлол Ватан озош бўлгач моҳиятан юксак қўқига айланади. Озош Ватанинг фуқароси эркин яшайди, ижод қилади. Озош Ватандагина халқ озош яшайди. Халқнинг озошлиги Ватан озошлиги билан боғлиқ. Халқни кул қилиш учун энг аввало унинг юзини, юртини босиб оладилар.

Ватанинг ҳар бир гиёҳи, тоши, ўр-адир, дала-тоғи мукамал кўринишига, бизнинг баргимизда бутунлик сезилади. Инсон учун энг ёмон, энг даҳшатли, энг қўрқинчли ҳол — Ватан тупроғидан четда, соғинч исканжасида қолишидир. Буни ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Мен яна бир ориқни ҳис қилиб қақшаб-қовжирганман. Ун саккиз йишмида уруш чағалида зир титраган чоғларда ўзга тупроқда ўлиб кетишдан жудаям қўрққан эдим. Уша аянчи аҳолимини эсласам, инсон учун киндик қони тогман тупроқдан айри жон таслим қилиш бу дунёнинг энг оғир мусибати эканлигини йигитлик пайтмидаёқ англаган эдим. Мен йишмидаёқ кексайган эдим. Йўқ, ўлимдан қўрққаним йўқ, ишонинг, Ватандан ташқарида ўлиш



қўрқинчли туолди. Мен бу хусусда, китобимда, ўғлим билан суҳбатлар бобида айтганим учун, ёзганларим ишончсиз чиққандай эди. Бор гапни, ҳақиқатни ёзиш зарур деган тўхтамага келдим. Шу Ватанга тугилдик — шу Ватан қайтаримизда ҳам ўз бағрига олсин.

Ватан менинг, ўғлимнинг... ҳаммамизнинг илдизимиз. Ҳаммамиз шу илдизга қайтамиз. Ватан дегудай Ватанинг бўлса, воҳалари яшнаб, водийлари гуллаб, тоғлари барқ уриб, наъра тортиб юксалиб турса-ю, Ватанинг сеники бўлмаса, кимгадир тобе бўлса, сен шу водийлар, воҳалар меники, унда қўлларнинг ҳақи йўқ, мен унда турганиман, у менинг онам деб айтишга шайлансангу тилингни қирқмоққа чоғлансанлар, буни нима деб ёзмоқ мумкин? Отани, онани, юрти менинг энг ардоқлим, юртга ота-онадай қадри, муҳаддас деб нисбат беринг келсаю, Сен муҳаддас сананган ўша туйғуни топтамоқчи бўлсанлар... Ҳа, шундай эди — энг азиз, энг ардоқли сўз — миллат ва Ватан ҳақида, Ўзбекистон борасида тўлиқиб гапиролмасдинг. Бош кўтараяпти деб, бошингни

Муносабат

кесмоқчи бўларди — кейоғмасин дерди шўронинг нияти. Шу миллат бўлмасин — Ватани ардоқлашни ўрганмасин дерди шўро даври. Уйғоқнинг қўқисига, қисматида йигирма беш грамм қўроғшин ёзиқлик эди. Чўлпон, Қодирий озошлик, Ватан дегани учун ўққа учдилар.

Бугун-чи? Бугун эса Қодирийга отдош Абдулла Орифнинг истиқлол ва Ватан деб қўйлагани учун эркин замон қўқисига Олтин юлдуз тақди. Ехуд шўро жабрини тортиб, юрак-бағри эзилган Саид Аҳмаднинг қўқисига Олтин юлдуз. Уша замонадаёқ «Ўзбегим» деб қўйлаган Эркин Воҳидовнинг қўқисига Олтин юлдуз. Қўқисини тешиб ўтган қўроғшин билан, қўқисинда порлаган Олтин юлдузнинг қарши бор — ўлим ва ҳаёт, зулумот ва нур янглиғ, фарқ. Бу улуг саодат, миллий уйғоқлик дарёсидан кўнгли чанқоғини қондириш бахти истиқлол туфайли.

Давоми 2-бетда

ХИНД АДИБИ — ФАҲРИЙ ДОКТОР

Профессор Камар Раис ўзбек адабиёти ва санъатини ўрганишга бутун ижодий фаолиятини бахшида этган хорижлик дўстларимиздан биридир. Дастрлаб у улуг шоиримиз Фафур Гуломнинг сара шеърларини, сўнроқ Ҳамза, Ойбек, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби юртимизнинг атоқли адиблари асарларини урду тилига таржима қилди.

Камар Раис 1994 йили Р.Муҳаммадҷонов билан ҳамкорликда Алишер Навоий ҳазратларининг 80дан зиёд газалларини ўз ичига олган "Алишер Навоий ва Ўзбекистон" деб номланган ажойиб асарини ёзди. Унинг энг сара асарларидан бири

академик Акбар Ҳакимов, илмий кенгаш аъзолари, профессорлар Файзулла Кароматов "ва Тўхтасин Фафурбеков сўзга чиқиб, Камар Раиснинг илмий, ижодий фаолияти ҳақида сўз юритдилар.

Ушбу шарафли унвонга сазовор бўлган Камар Раис узининг самимий миннатдорлигини изҳор этиб: — Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлик ва дўстона алоқаларимизнинг янада ривожланишига ишонаман. Бу йўлда қўлимдан келган барча ишларни қилишга тайёрман,— деди.

М а р о с и м д а Хиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Б.К.Митра жаноблари ҳамда Хиндистон дипломатик миссиясининг бошқа вакиллари ҳам иштирок этидилар.

Б.ТОШНАЗАРОВ

КЕЛИНЧАК
ФАСЛ
МАШУОИРАСИ
3-бет
"АН ДЕР РУР"
ТЕАТРИ
ТОШКЕНТДА
4-бет

Маданий
ХАЁТ
Тошкент давлат Маданият институтида замонавий шариотларда маданият маъносалари иш шакли ва услубларига доир илмий-амалий анжуман бўлди.
Маданият ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Т.Зоилов, ўқитувчилар К.Маҳмудова, М.Солиқов, М.Хўжаева, У.Тоҳиров ва бошқалар бу борадаги янги тажрибалар хусусида фикр юритдилар.
Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида Наврўз байрамига бағишланган театрлаштирилган кеча ўтказилди. Институт талабалари ижросидаги катта концерт дастури

Маданий
ХАЁТ
Наврўз тадбирига файз бағишладилар.
Н. КАМОЛОВА
Мустиқиллигимизнинг ўн йиллиги ҳамда "Оналар ва болалар" йилга бағишлаб Қарши шаҳрида ашула ва рақс ансамбллари ҳамда катта ашула ва лапар ижрочилари кўрик-танлов бўлди. Танловда барча шаҳар ва туманлардан баъдий хаваскорлик жамоалари иштирок

Хонқа туманидаги "Жайхун" кўғирчоқ театри жамоаси Фарғона водийсининг Ёзёвон халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ва болалар бағчаларида ижодий сафарда бўлди. Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган "Афанди хангома-лари" томошаси ёш томошабинларга манзур бўлди.
М. ҚАРИМОВА

(Боши 1-бетда)

Билан белгилади. Абдулла Қодирий ва Фитрат, Чўлпон ва Усмон Носир асарлари айнан шундай туйғу ва ғоялар билан йўрилган учун ҳам севиб ўқилади. Зотан, улар ўзининг ижтимоий вазилигини чуқур ҳис этган ижодкорлар томонидан ёзилган ва тарихий тараққиётимиз йўлини холис ва ёрқин акс эттирган.

Бугунги кунда адабиёт ва санъатда асримиз бошида яратилган отабеклардек ҳаётий ва баркамол қаҳрамонларни кўришни истайди.

Ҳуш, бугунги кунда кимни замонавий қаҳрамон деб билиш мумкин? Қаҳрамон дегани албатта ғайриоддий куч-қудратга эга бўлган фавқулодда одам эмас. Бугунги куннинг қаҳрамони — бу бизнинг замонашларимиз, у ҳам ўз даври каби мураккаб шахс.

Президентимиз бу ҳақда фикр юритиб, шундай деган эди: "Мен замонамиз қаҳрамони деганда, бугунги ҳаётни узғартираётган, янгилик, яхшилик бунёд этаётган, турмушнинг барча оғир-енглигини, тараққиёт юқини ўз елкасига олиб яшаётган ва шу тараққа эртанги ёруғ кун учун курашаётган фидойи, оддий ва хокисор одамларни тушунаман".

Бугунги кунда бундай одамлар орамизда бор, улар бунёдкорлик меҳнати қайнаган жойларда тер тўкиб, ишлашмоқда. Қизилқум бағридан жазирама иссиққа, қаҳратон совуққа қарамасдан, олтин қазиб олинаётган, Қарши чўлининг қоқ марказида улкан замонавий мажмуа — Шуртангаз комплекси қад кўтараяпти. Қорақалпоғистонда, Қўнғиротда оғир экологик шароитда сода заводи бунёд этиляпти. Қамчиқ довонда мураккаб иқлим шароитида халқаро андозаларга жавоб берадиган равон йўллар қуриломоқда. Андижон ва Самарқандда автомобиллар ишлаб чиқариломоқда.

Ёки яна бир оддий инсон. Бугун юртимизда унлаб юртдошларимиз ўз ҳисобидан мактаблар қурганини ҳам яхши биламиз. Уларнинг ҳар бири ўз

сиймосида мустақиллик даври қувончи ва ғалабаларини ҳам, мураккаблиги ва қийинчиликларини ҳам мужассам этган инсонлардир. Шундай инсонларнинг ҳаёти ва тақдирини ижодкорларга илҳом бериши, уларнинг асарларига мавзу бўлиши керак эмасми?

Мухтасар айтганда, бугун ижодкорлар олдида ун йиллик истиқлол тарихимизнинг бадиий соломасини яратибдек шарафли вазифа турибди. Табиийки, ижодий иш ҳам, аввало, орамизда яшашга эришган, бунёдкорлик меҳнати, бетакрор истеъдоди, улкан маҳорати билан эн назарига тушган юртдошларимиз фаолиятини ёрқин оққали руёбга чиқарилади.

Аслида адабиёт ва санъат моҳиятига кўра инсоншуносликдир. Ижодкор ўз олдидаги вазифаларни фақат инсон рўқий дунёсини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали амалга оширади. Анжуман қатнашчилари юртимиз қиёфасини тубдан узғартиришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илм-фан, ижод ва санъатдаги қўлга киритаётган ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган. Ватанимиз ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлигини таъминлашда жонни ҳам аямайдиغان уғлонларимизнинг мардона қиёфасини, шунингдек, жаҳоннинг нуфузли илм даргоҳларида, спорт майдонларида ўзини кўрсатаётган ёшларнинг бадиий сиймосини кўрсатадиган асарлар яратиш позимлигига яна бир бор эътиборни қаратилади.

Зотан, адабиёт ва санъатнинг ибрат асосида одамларни ҳаёт синовларига тайёрлаш, ёрқин образлар, жонли манзаралар воситасида уни кечаги ҳаёт билан қўллаш, бутун мураккабликлари билан китобхон, томошабин кўз унгида намоен этиши жамиятимиз тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим. Шу маънода бадиий ижод миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштиришга хизмат қилиши даркор.

Ҳақиқий ижодкор ўз истеъдодини гузал Ватанимиз, бағрикенг халқимиз манфаатлари учун хизмат қилдиришни юксак шараф деб

биледи. Ота-боболаримиз неча йиллар орзу қилиб келган мустақилликни куриш, истиқлол даври тарихий узғаришларнинг гувоҳи бўлишдек бахтдан қалби ғурурга тўлган санъаткор буюк янгиликларнинг даврини акс эттиришни ўзининг шарафли бурчи деб ҳисоблайди. Мана шундай эътиқод

айниқса, тарихимизни англашда, улғу аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятдан хабардор бўлишда катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Охириги уч йилда, деди у, театрларимиз сахналарида турт юзтача асар намойиш этилган бўлса, шулардан олти миш Фолки тарихий, қолган қирқ Фолки эса асосан маънавий мавзуларда. Афсуски, замонавий мавзуда, бугунги қаҳрамон сиймоси яратилган, айниқса, ёш авлодга ибрат бўладиган воқеалар тасвирланган драма-эпика йўқ ҳисоби.

— Қаҳрамон яратиш масаласи, бир томондан, ижодкорнинг, санъаткорнинг фуқаролик бурчи бўлса, бошқа тарафдан, маҳорат билан боғлиқ масаладир. — деди

санъатшунослик фанлари доктори Ҳамидулла Акбаров. — Сунги йилларда яратилган қирққа яқин фильмнинг аксарияти бадиий жиҳатдан заифлиги, уларда томошабинга таъбир кўрсатадиган даражадаги драма йўқлиги, воқеаларнинг ишончсизлиги кишини ранжитилади.

Шоир ва публицист Саъдулла Ҳаким замонавий қаҳрамон образининг яратилишида матбуотнинг хизматига эътиборни қаратиб, аниқ мисоллар асосида газеталарда ёритилаётган мақолаларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўзлади. Дарҳақиқат, аксарият журналистларимиз қаламига мансуб очерк ва мақолаларда замонамиз қаҳрамонининг ҳақиқий сиймоси кўринмайди. Унинг фаолияти, ютуқларимиз қуруқ факт ва рақамларда ўқитиб утилади, холос. Ваҳоланки, қаҳрамон тирик инсон, у бизнинг замонашларимиз, унинг ҳам ўз қувонч, ташвишлари бор. Қаҳрамон рўқий дунёси, маънавий қиёфаси чизилмагач, у амалга ошираётган ибратли ишларни таъкидлаш ҳеч қандай наф келтирмайди.

Замонашларимиз образини яратишда, ижоднинг бошқа соҳалари вакиллари қатори, расомларда ҳам ижодий имкониятлар бисёр. — деди Ўзбекистон халқ расоми Айтиш Мирзаев. — Мажлисда айтилган ижтимоий буюртма ҳақидаги фикрлар ғоятда долзарб. Бугун тасвирий санъатда замон рўқий акс эттириш, замонамиз қаҳрамонларининг сиймосини яратиш, биринчи гапда, ижодий-ташқиллий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига боғлиқ. Тематик кўргазмалар ташқил



этиш, расомлар билан аниқ шартномалар тузиб, уларни ҳаётий мавзуларни ёритишга даъват қилиш, ижодий сафарларни йўлга қўйиш бугунги кунда расомлар олдида давр қўяётган вазифаларни кўнгилдагидек адо этишда ҳал қилувчи омил бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ўз сўзида бутун дунёда, умуман, ҳаётда инсоннинг қалбини эгаллаш, дунёқарошига таъсир утказиш учун катта кураш бораётганини таъкидлаб, кимлардир ғайри мақсадларни диний ақидалар ниқобига ураб, бошқа бировлар эса фақш фильмлар, япанғоч маданиятни зур бериб тикиштириш орқали маънавиятимизга зид ахлоқни тарғиб қилаётганига эътиборни жалб этди. Бизнинг адабиётимиз, санъатимиз, бадиий публицистикамиз бугунги ҳаётимиз теран таҳлил этилган, ибрат бўладиган замонавий қаҳрамонлар сиймоси тулақоний яратилган бадиий баркамол асарлар билан халқимиз онгу шуурини маънавиятимиз ва эътиқодимизга ёт асарлардан ҳимоя қилиши, одамларни яшашга, яшаш учун курашга руҳлантириши керак.

Анжуманда сўзга чиққан Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Давлат Матбуот қўмитаси раиси ўринбосари Шухрат Аҳмедов ва бошқалар давлатимизнинг бадиий ижод соҳасига кўрсатаётган гамхўрлигини алоҳида таъкидладилар. Ишонимизки бу ёзувчи ва шоирларимизни, санъаткор ва расомларимизни халқимиз ва миллатимизга ибрат бўладиган, улғу мақсадларга сафарбар этадиган, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшадиган дурдона асарлар яратишга руҳлантиради.

Аҳмад ОТАБОВ, Муртазо ҚАРШИБЕЙ

Суратлар муаллифи: С.МАҲҚАМОВ

ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

"Давр ва замонавий қаҳрамон" мавзуидаги илмий-амалий анжуманда

билан яратилган замонамиз қаҳрамонлари сиймоси, улар босиб ўтаётган мураккаб кураш йўли тасвирланган асарлар авлодларга маънавий мулк бўлиб қолади.

Улғу адибимиз Абдулла Қодирий "Уткан кунлар" романи муқаддимасида шундай деб ёзган эди: "Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ухшаш достончилик, румончилик ва ҳикоятчиликда ҳам янгиликлар, халқимизни шу замоннинг Тоҳир-Зухролари, Чор дарвешлари, Фарҳод-Ширини ва Баҳромгўрлари билан топштиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз".

Севишли адибимизнинг бу сўзлари бугун ҳам адабиёт ва санъатимиз учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Қизгин баҳс мунозаралар руҳида утган анжуманда Маннон Уйғур номидаги Санъатшунослик институтининг кафедра мудири Тоҳир Исмолов театрларимиз сахнасида бугуннинг қаҳрамонлари сиймоси кам учраётганини таъкидлаб, бунинг асосий сабаби санъаткорларимизда бугунги ҳаёт тенденцияларини чуқур ҳис этиш туйғуси етишмаслигида, деди. Дарҳақиқат, замонавий қаҳрамон образини яратиш ижодкордан ҳаёт ичиде бўлиш, одамлар руҳида, дунёқарошида кечаётган узғаришларни теран англаб, ишонарли тарзда мушоҳада қилишни тақозо этади.

Адабиётшунос Шухрат Ризаев кино ва театр сахналарида утган ун йил мобайнида жиддий асарлар юзага келганини эътироф этиб, бу асарлар,



ВАТАН НИМА? МУСТАҚИЛЛИК-ЧИ?

(Боши 1-бетда)

кент, сўлим Ватанимиз бор. Буларнинг ҳаммаси ўзимизники бўлди. Биз истиқлол қисмати, ҳаётимиз эканини англамас озолик моҳиятини чуқур ҳис этсак, кейинги йилларда асарлар билан тимсолланган узғаришни сезиш қийин эмас. Қамчиқнинг ўзи бир достон. Гап фақат қандай ёза билишда.

Мен нима сабабдан устознинг барча ёзганлари каби она-юрт ҳақидаги шеърлари ҳаётий, жозибали, кишининг руҳиятига бунчалар қувват беришини яна бир томондан тушунгандай бўлдим. У умр бўйи Ватан деб қуйлади, Ватан сўзи ёнига «озод»,

«мустақил» сўзларини ёзиш мумкин бўлмаган даврлар, бу сўзларни ўқувчи бир ички сезим орқали билиб олишига ишонди. Шунда битта моҳият келиб чиқар эди. Ватан озод Ватан бўлганга дейди. Ватан озод Ватан бўлганга дейди.

Назаримда шу тушунчага таяниш, суяниш эса миллат тарбиясининг ўқ илдизи.

Демак, энг аввало ҳар биримизнинг фарзандларимиз, келажакка айтадиган гапимиз шу бўлиши керак.

Кўчкор НОРҚОБИЛ

(Боши 1-бетда)

қолгани ҳамда Оксарой ёдгорлиги, Кўк гўмбада минтақа меъмориликчи ноёб усуллари жамулжам бўлгани боси Шахрисабз Бутунжаҳон Мероси рўйхатида қайд қилинди. Бу эса ушбу ёдгорликлар халқаро ҳамжамият ҳимоясида бўлади, дегандир. Шуниси эътиборга лойиқки, эндиликда Шахрисабз обидалари Франциядаги Нотр-Дам (Биби Марям) обидатхонаси ва Версал саройи, Италиядаги Венеция ва Флоренция шаҳарлари, Мисирнинг Фиръван эҳромлари, Хиндистондаги Тож Маҳал мақбараси, АҚШдаги Озолик ҳайкали, Индонезиядаги Боробудур қасри каби машҳур ёдгорликлар билан тенг макомга чиқди.

Мамлакатимиз Президентини Исмол Каримов анча йиллар муқаддам бу ҳақда шундай деган эдилар: "Қашқадарё воҳаси дунё

маданияти тараққиётининг олтин белбери бўлиши Буюк Ипак йўлининг энг муҳим нуқталаридан бирида жойлашганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу серфайз замин ўзининг бекбёк моддий ва маънавий неъматлари билан машҳурдир. Қадимий Насаф ва Шахрисабз, Китоб ва Яққоб Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутди". Худди ана шу муҳим нуқта Бутунжаҳон Мероси харитасида акс этгани Истиклолимизнинг 10 йиллиги арафасидаги ўзгача эътиборнинг, икронинг тимиоли бўлди.

ЮНЕСКО Бош директори Кончиор Машура имзоси билан мамлакатимизга йўлланган хужжатда: "Бутунжаҳон Мероси Кўмитаси Шахрисабзнинг

ШАҲРИСАБЗ — ДУНЁ САЙҚАЛИ

тарихий марказини Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритди. Ушбу рўйхатга киритилган маданий ёки табиий ёдгорликнинг бебаҳо ва умуминсоний қийматга эга эканлиги эътироф этилади ҳамда бутун инсоният манфаати учун ҳимоя қилиниши зарурдир", дейлади.

Шаҳ халқларида яшил ранг тириклик тимиоли сифатида ардоқлаб келинади. Зотан, яшиллик пөнбис саҳроларнинг чекинишидан далоят. Урта аср шаҳри борасидан тасаввур берадиган мазкур шаҳар

Шахрисабз, яъни "Яшил шаҳар" дея аталгани бежиз эмаслигини тарихнинг ўзи яна бир қарра исботлади. Далалатсиз, дунёнинг нариги бурчаги

Австралияда тасдиқ этилиб, бизга етиб келган бу ҳужжат Ер юзюда инсон куч-қудрати, оламшумул шон-шухрати бир макомда эканлигидан далоят беради ва ҳамда серкўш Ўзбекистонимиз индиэлари қай нуқтага етиб бораётганини башарият кўз унгида намойиш этади.

Ҳуш, мамлакатимиз сарҳадида туртинчи бўлиб шундай шараф қайси обидалар мажмуига nasib этаркан? Бу саволга кўпчилик қизиқиши табиий бир хол. Жорий йилда Самарқанд шаҳрининг номзоди мазкур рўйхатга

киритилиш учун қўриб чиқилади. Шахрисабз темурийлар салтанатининг иккинчи пойтахти саналса, Самарқанд биринчи пойтахтдир. Аммо ЮНЕСКО рақбарияти бу оламшумул амалии Сохибироннинг ота юрти Кешидан белгилаб тўғри қилган. Ҳар ҳолда Шахрисабз ва Самарқанд Шарқ меъморилик наъмуларининг бир-бири ила ранг талашаётган икки бўлагидир. Жаҳон айвониде ўрта аср Уйғонини даври тимиоли сифатида ўз шаклини сақлаб турган мазкур тўрт мўъжиза — Хива, Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанд обидалар мажмуи миллат шон-шавкатининг тўрт устуни, десак муболага бўлмас ва бу ҳақиқатни эндиликда ЮНЕСКО ҳам эътироф этмоқдаки, мазкур хужжатлар келажак авлод олдидаги масъулиятимизни янада оширмоғи муқаррадир.

Ўз мухбиримиз

Малчи лалза

50-йилларнинг бошларида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида катта бир йигин бўлиб ўтди. Бу йигинда қанчалар-қанча ёзувчилар бошига тухмат тошлари ёғилди. Фақат бир ёзувчи шашинга илж сўзлар айтилиб, унинг Москвада рус тилида нашр этилган романи ўзбек адабиётининг буюк бир ютуғи сифатида баҳоланди. Бу, Парда Турсун эди.

Бугун «Укитувчи» романининг мавжудлиги фақатгина кекса ёзувчилару, бир сиқим адабиётшуносларга маълум. Эҳтимол тарихнинг саралаш қонуни бу сафар ҳам хато қилмагандир. Лекин Парда Турсун ҳаётининг қатор ибратли томонлари ҳам борки, уларни унутиб адолатдан эмас.

Наманган вилоятининг Поп туманида туғилган Парда 10 ёшида етим қолган. 1918-1919 йилларда авж олган очарчилик унинг ота-онасини ҳам ўз гирдобига тортган. Шундан кейин у фалақининг гардиши билан Тошкентга келиб, Бешоғоч даҳасидаги Иноят қори деган кишининг хонадонда дастёрлик қилди. 1923 йили бўлажак ёзувчининг дастлаб шу даҳадаги Алмайи номили Улка ўзбек иш-мактабида таҳсил қўриши, сўнг Пискент туманига бориб, кишлоқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаши унинг ижодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Уша кезларда «Алмайи»да кўпгина машҳур кишилар дарс берганлар. Парда Турсун улар туйфайли билим олибгина қолмай, жисмоний меҳнатга ҳам меҳр қўйди, китоб ўқиш малақасини эгаллади.

1930 йили «Батрак» газетасининг муҳаррири Сулаймон Азимовнинг тақдирини билан газетага ишга келган Парда Турсун шу йилларда дастлабки ҳикоя ва очеркларини ёзди. Яна бир қанча муассасаларда хизмат қилди. Аммо Пискентда қисса мудат муаллимлик қилгани, унинг ҳаёлини олиб қочди. У 1940 йили бошлаган «Ҳақ йўл» қиссасини 1947 йили нашр этиб, унда ўзининг кишлоқ мактаби билан боғлиқ фаолиятини ҳаққоний тасвирлашга уринди. Ушбу асарни ёзувчининг катта ижодий ғалабаси,

МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ

деб бўлмайди. Лекин ёзувчилик игна билан қудук қазиб эканига астойдил ишонган Парда Турсун яна беш йил давомиде уни қайта ишлаб, дастлаб яратилишига бебаҳо ҳисса қўшди. Диссертациялар рус тилида ёзилиши шарт бўлган даврларда, у унлаб илмий ишлар ва

тилини муқаммал билган олим ўзбекча-русча, русча-ўзбекча талайгина луғатларнинг майдонга келиши, айниқса, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» икки жилдидининг изоҳли луғати



авторефератларни рус тилига таржима қилиб, филолог кадрлар сафининг қўлайишида бевосита иштирок этди. Мазкур сурат олинган 1952 йилда эса у Парда Турсун қаламига мансуб айрим ҳикояларни рус тилига қўйилмақом қилиб ўғирганини туйфайли танқили ёзувчининг хонадонига яқин бўлиб қолган эди. Хуллас, суратдаги учала кишининг ҳар бири машаққатли йўлни босиб ўтиб, меҳнатсеварлиги, ўз касбияга муҳаббатини ва садоқатини туйфайли ҳаётда из қолдириб кетдилар.

Наим КАРИМОВ

КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Баҳор байрамларга, шодиёналарга бой фасл. Бу йил байрамларимиз сони яна биттага қўлайди. Эрта ўтиб илдинга, мамлакатимизда илк маротаба биз соғиниб кутган катта футбол байрами мамлакатимизда ҳам юқори туради. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу аjoyиб ўйиннинг миалонлаб мухлислари бор. Улар катта футболни соғиниб қолганлар. Чунки кейинги уч-тўрт йилда терма жамоамиз яхши ўйин кўрсата олмади. Жамоага қўлаб тренерлар келиб-кетди, унлаб ўйинчилар жааб этилди. Лекин мухлислар кутган натижага эришмади.

Баъзилар, Ўзбекистон футбол мамлақати эмас, шунинг учун терма жамоамиздан юксак натижалар кутиб бефойда дейишмоқда. Аслида бу гап мутлақо нотўғри. Бундан ун беш, илдинга, мамлакатимизда илк маротаба биз соғиниб кутган катта футбол байрами мамлакатимизда ҳам юқори туради. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу аjoyиб ўйиннинг миалонлаб мухлислари бор. Улар катта футболни соғиниб қолганлар. Чунки кейинги уч-тўрт йилда терма жамоамиз яхши ўйин кўрсата олмади. Жамоага қўлаб тренерлар келиб-кетди, унлаб ўйинчилар жааб этилди. Лекин мухлислар кутган натижага эришмади.

куни, албатта, мураббий истеъфо беради. Ахир, унга бир-икки йил вақт берайлик. Яхши жамоанинг шаклланиши, муқим ўйин кўрсатиши учун бир-икки ой эмас, йиллар керак.

Янги мураббий келгач, жамоа тарқиб ҳам, албатта, янгиланади. Чунки ҳар бир мураббийнинг ўз ўйин услуби, энг асосийси, жамоани ўзи хоҳлаган ўйинчилардан ташқил этишдек ҳуқуқи бор. Хуллас, жамоа шаклланиб улгурмай, мураббий ҳам, тарқиб ҳам ўзгариб туриши футболимиз ривожига бўлаётган тусиқларнинг яна биридир.

Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини мухлислар ҳам қувонч, ҳам андақ ҳадиқ билан кутаяпти. Чунки, рақибларимиз ҳам осонгина ютқазадиган жамоалар эмас. Бутун фалон жамоа кучсиз, уни бемалола ютиш мумкин дейишнинг ўзи хато. Шундай экан, терма жамоамиз бу гагли саралаш ўйинларида масъулият билан ёндашиб, мамлакатимиздаги барча футбол ишқибозларини кўшнудэ этадилар деган умиддамиз.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Нигора УРОЛОВА

КЕЛИНЧАК ФАСЛА МУШОИРАСИ

Кўкларни фасллар келинчаги деб бекорга айтмаган эканлар: лоланинг ёқутдек товланиши кўзни олгудек, боғ-роғлардаги манзараларга назар ташлаб тушинг...

Алқисса юртимиз кизларининг бу фаслда ёниб-ёниб шеър битишларини, сурат чизишларини кўринг...

Адиба ҲАМРО қизи

ОҚ РАҲИ

Ҳаёт бўлган экан аслида рангсиз, Йўқ! Рангсиз эмас. Оқ рангли дунё — Оппоқ рангда туғилган дунё.

Шундан бери кимлар ўтмади, Кимлар яшамади бу ҳаётда. Бўёқни ахтариб, топиб кимлардир, Борлиқни, оламини бўяб кетдилар. Менинг ўз дунёمنى бўягим келмас...

Ҳаёт бўлган экан аслида рангсиз, Шу ҳолича севмоқ бўламан оламини. Ва мени ҳам суйсинлар дейман — Шу ҳолимда — рангсиз, бўёқсиз.

Дунё аралгандир асли Оқ рангдан, Ҳаёт ҳам туғилган оқ минтақадан. Бўёқлар не учун? Қай сайёрадан Тушган экан, десам. Ажиб гўшада — Тоқдим ўзим суйган ўша Оқ рангини. Ва унинг атрофида қўрдим чаманини.



Бир-бирига чирмашган турфа ранглари, Яшиллик деб аталмиш гўзал Ватанини. Асир этди мени жонли бир ҳайрат — Тилга кирди менинг оппоқ қалами: Ҳаёт — ранглар мажмуаси демак, Кураши рангдор шакллари...

Гўзаллик яратар жилвакор ранглар — Туғилар боласи Оқ муҳаббатнинг!

НОДИРА



Фаришталик даъво қилмасман, Сохта шону шухратдан кечдим.

Тан олурман хатоларимни Ўз айбимни ўзим билурман. Оллоҳ ўзи бергучи жазо Ажратгучи тупроқни нурдан.

Чорламайди мени чўққилар — Юрагимда сокин бир ҳавас. Дилда пинҳон чўққиларим ҳам, Кафтда гулим асрай олсам бас.

Кел, булут, кел шабнам, Кел яна қосимга, эй шафақ... Калардек тўқиллар босмасдан бурун, Тўқиндек дардларим ютмасдан бурун. Севинч денгизини чизгум мен, Ўз дунём ичинда ўз денгизимга: Шаффоф ёшларим тўққум мен... Сен булут, сен шабнам, сен шафақ берган Сехрли сўзлардан ажиб афсона Хоксор ва ожиза, ёлғиз қушчага Шу тунда тўққум, айтгум мен.

Менинг шаффоф қанотларим йўқ, Неда йўқдир сен кутган асрор. Бургут каби ёвқур эмасман, Аммо дилда парвоз ишқи бор. Сийратимни таҳлил этишга Сенга ҳуқуқ бермаган ҳеч ким.

Нигора УСМОНОВА

БОЛАЛИККА ҚАЙТАЙЛИК БИР ЗАМ



Синглим Наргизга

Бир гўша бор, хўп азиз гўша, Кўёш чиқар томонда чоғи. Хотиранинг дардлари ўша, Хотиранинг ям-яшил боғи.

Мен кетаман ҳамон олислаб, Кучогимга олиб соғинччи. Гоҳи эслаб йилгоччи ҳислар Ҳаётимнинг ёруғ овуңчи.

У ерларда бўлгансан сен ҳам, Унутмагандирсан қадрлон, Юрагини армон эзган дам, Ҳаёлларда қайтиб кел бир он.

Учрашармиз ёддулар аро Эртақларнинг сўлим боғида. Турфа майда ташвишдан айро, Гулга тўлган баҳор чоғида.

Болаликнинг кулгуси тоза, Болаликда озоддир туйғу. Бу ерларда бахтдир овоза, Ва дилингда ботмайди қайғу.

Кўзларингни юмиб ол, бу чок Кулгуларга тўқидир диёр.

Мунира МҮЙДИНОВА



Япроқларни силаб ўтган шаббода Кўнгил торларини чертдинг бирма-бир. Бокира муҳаббат муждаси каби Сенинг майинглинги. Бунда қандай сир?



Жамаласоч икки қизалоқ, Чошиб юрар бунда бахтиёр.

Бир кун кетсам туларга сингиб, Кўнимоққа шошимла бир оз. Майин эсан елларни тингла, Таниш бўлар сенга бу овоз.

Сатрларим узра қўнса чанг, Сен шеърларим ташлама ёқиб. Байтларимдан яратиб оҳанг, Вужудингга кирман оқиб.

Майсаларда нафасларим бор, Бўйларига этгучи хумор. Ҳар йил қайтиб йўқласа баҳор, Унда менинг кулгуларим бор.

Қийнамасин сени ҳеч хотир, Мен севган уй, менга ёққан ранг... Ишон, бу руҳ қайтмоққа қодир, Мен қайтаман, фақат, истасанг.

Севги ифорини туйдим мен шунда, Дилимга жо этдинг ижод завқини. Табиат, маҳбубинг бўлиб куйладим Дафъатан кўз очган ҳаёт шавқини.

Гул баргидан томган шаффоф томчидай, Кафтингда дийдираб турибман, дунё. Андуҳлар хазондек тўқилар дув-дув, Рухим камалакдай товланар гўё.

Дардим, ширин дардим, дарё бўлиб оқ, Қирғоқлардан тошгин — мавжлансин юрак.

Кўклар нафаси-ла туташмоқ учун Гўнаҳдек очилиб яшамоқ керак.

КҲКЛАМ

Ой тўлганда самода тўлғониб нур сочади, Илк кўёш нуридан замин кўзин очади. Наврўз келди янги кун, янги-янги дидар тилак, Бир ёлда ўйин-кулги, пишар ҳалим, сумалак.

Доиранинг куйига қизлар рақс тушади, Юзни майин табассум, севинч, туйғу безади. Янги кундан бошланар, дехқонбобо амали, Бахт-саодат келтирсин, йилнинг боши, ҳамали.

СЕНИ МЕН..

Соғиниб яшадим Сени мен, Соғиниб яшаш ҳам тугайди. Бир кунини шаҳзодам кўлимни, Тиз чўкиб интизор сўрайди.

Мен эса олчанинг гулидан, Келинчақ кўйлагим бичаман. Шаҳзодам қосимда парвона, Бошидан сув ўгириб ичаман.

Ҳали Сен уйғонмай тонг чоғи, Уни мен кўлидан тутаман. Тонгдан то шафаққа интилиб, Кўёшдек шаҳзодам кутаман.



Фароғат МУСУЛМОН қизи

Сочларимиз силанмай. Кетдингиз ёр, кетдингиз.



Ортингиздан беармон, Кўшқаровлар юбордик. Бизам севсақ сизни ёр, Ул сулувча севардик. Кетдингиз ёр, кетдингиз.


Энди минг йил сўрасақ, Кўнгил ишқини алқамас. Сиз кетган ул йўлларингиз, Туманлари тарқамас. Кетдингиз ёр, кетдингиз.

Ўша кунлар кунмидир, Энди ёруғ кундаммиз. Лек, не бўлсаки, ҳамон, Кутиб йўлингиздамиз. Кетдингиз ёр, кетдингиз.


Кетдингиз ёр, кетдингиз, Кўнглимизга эланмай. Не азобга кўндик биз,

СИЗНИ ТАНИДИМ, ШУҚР АКА...

Унинг синфда бизга адабиётдан С а о д а т И с л о м а с а б о қ б е р а р д и. Тўғриси, тўққиз йил адабиёт фанига иккинчи даражали фан сифатида қараб келган биз — ўқувчиларга опанинг ифодали шеър ўқиши, қай бир китоблар ҳақида эҳтирос билан гапириши, а в а л л и г а...



ишхонада йўқ шундай содда одамлар. Уларни ҳар бириимиз хар кунни кураммиз. Баъзи пайлар кайфиятимизга қараб улларга ҳазил қилсақ, б а э з и д а уллар соддаликларидан жҳлимиз чиқмади. Нима бўлганда ҳам уллар биз билан бирга, куллини кўринган. Кейин... Ҳамиша боши меҳнатдан кейин эса адабиёт аталмиш сехрли диёр бизни ўз бағрига олган, аникроғи, дунёда адабиётдек гўзал фан борлигини биз — 36 нафар ўқувчи бирдан англаб қолгандик...



Шунга ҳам қарийб йигирма йил бўлиб қолибди. Йилнинг бир гапи сира ҳаёлимдан кўтарилмайдик. — Ҳақиқий китобда сиз ўзингизга таниш одамларни учратасиз... Ушанда роса бир ой китоб барақлаганман, танишларимдан бирортаси ҳақида ёзилган, деб. Аксига олиб бирорта танишимни тополмагач, опанинг ўзларидан сўрадим. Опа менга эринмасдан тушунтирдилар: "Яхши китоб, яхши асар ёзилмайдик. У юракдан тўқилади. Адиб ёки шoir инсоннинг ички кечинмаларини худди рассомдек тасвирлайди. Фақат рассомдан фарқи, бўёқ ишлашмайди..."

Тан олиш керак, ўшанда опанинг сўзларини тушунамаганман, балки ақлим ҳижолик қилгандир. Лек опанинг адабиёт ҳақидаги ўқитлари бутун ҳам менинг йўлдошим. Яқинда кўлимга "Шарк" нашриёт-матбаа концернида чоп этилган "Бекатдаги оқ уйча" мажмуаси тушиб қолди. Китобни ўқилган-у, ҳаёлимда адабиёт муаллимига айтган сўзлар айланади. Ундаги ҳар бир ҳикоянинг, қиссанинг қаҳрамони менга таниш, қадрдон. Уларнинг изтироблари, қувончлари ҳам ҳавоши эмас. Масалан, "Кўшиқ"даги чол, "Шим ёҳуд хотинлар жанжали"даги овсинлар, "Олим ўғил"даги содда отахонларнинг барчаси таниш. Уларнинг тили содда, самимий. Юракка жиз этиб тегади. Айниқса, "Бекатдаги оқ уйча" қиссасининг қаҳрамони Шукур ахони қаранг. Айтнинг, қайси қишлоқда, маҳалла ёки

мутаасси давомида бундай йўлар сизни тарқатади. Асарини ўқиб бўлган, атрофга бошқачароқ назар билан қарай бошлайсиз. Одамнинг одамга ганиматлигини яна бир қарра англайсиз. Ёзувчининг маҳорати, истеъдоди инсоннинг инсон эканлигини англайтиб қўйишда эмасми, ахир! Ўшбу китоб муаллифи Нормурод Норқобиловни адабиёт мухлисларига таништириб ўтиришнинг ҳоҳати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Чунки у ўзининг "Зағори кўл", "Унутилган кўшиқ", "Юзма-юз", "Пахмоқ", "Сариқ гул" ва "Темур гори" сингари унлаб асарлари билан аллақачон китобхонлар кўнглини забот этган. Унинг янги китоби — "Бекатдаги оқ уйча" эса, ҳали ўзбек китобхонлари Нормурод Норқобилов билан янада қадрдонлашиб кетажанидан далопат. Тўғриси айтиш керак, мен адабиётшунос ёки адабий танқидчи эмасман. Бундай даъво ҳам йўқ. Фақат айтмоқчи бўлганим, мен бу китобдаги қаҳрамонларни танидим ва бунда сизнинг ҳам танишларингиз борлигини ҳис қилдим. Яна ишондимки, "Бекатдаги оқ уйча" кўлма-қўл бўлиб ўқилган асарлардан бирига айланади. Ислол ҲАМРО

"Огаҳийнинг кўлини олган раис" мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Лекин "тоғаси Мунис Хоразмий" деган жумла ҳаёлимни ўғирлади. Аввалига тоғаси бўлса тоғасидир-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами, дегандай бўлдим... Бирок қандайдир куч фикру ўйимни эгаллаб, тинчлик бермади. Мунис, шунингдек, Огаҳий ўзлари тўғрисида аниқ қилиб, кимга ким эканлиги ҳақида ёзиб кетган бўлсалар-да, нега биз ривоятларга таяниб айтилган гаплардан ҳамон воз кечмаймиз. Балки, бунинг баъзиларга фарқи йўқдир, лекин тарихимизни борица ўрганиши ўзига шoir қилган давримиз учун бу ҳол бефарқ эмасдек туюлади менга.

Мунис (1778-1829) ўзининг "Фирдавсулқибол" асарида шундай дейди: "Муҳаммад Раҳимхон ҳукуматининг тўртламчи йили зулқаданинг ундаи шаба кун (мил. 1809 йилнинг 17 декабрида) Эрнйёзбеккаким, фақирнинг инисидур, бир фарзанди аржуманду валади саодат пайванд ато қилди ва ул... Муҳаммад Ризобекка мавсум бўлди". Демак, Муҳаммад Ризо (Огаҳий)нинг отаси Эрнйёзбек унинг иниси, яъни укаси бўлади. Узбек деган қадимий миллатда, отанинг ака-укалари болага нисбатан амаки бўлади, она авлодининг эркаллари эса тоға, хоразмча шевада доий дейилади.

Огаҳийнинг ўзи эса "Риёз-уд давла" асарида амакиси Мунис ўрнига мириоблик мартабасига тайинланганлигини гурур ва бир олам қувонч билан қайд этади: "... Мунис мириоб ўрнига фақирим, унинг биродарзодада дастпарвардасидурман, инояти подшоҳондан мириоблик мансаби киромиси билан яқин ва қариндошларим орасида муитоз ила сарафроз қилди".

СЛИДА бу сатрларни ёзмоқчи эмас эдим, лекин номи зикр этилган мақолада ҳали-ҳануз тарихимизнинг ёритилишида яқин ўтмишимизнинг таъсириндан чиқа олмаётганимиз ноилол қўлимга қалам тутишга мажбур этди. Шўролар даврида Огаҳий камбағал оилада дунёга келган-у, ноқорликда ҳаёт кечириб ўтган, деган ҳақиқатдан узоқ бўлган сафсата тарқатилган эди (бундай дейилишида, шўролар даврида Огаҳий зодогонлардан эди, дейилса, у тўғрисида ҳеч нарса айтш мумкин бўлмасди). Афсуски, бу аънада ҳозиргача давом этиб келмоқда. Аслида, Эрнйёзбек ўғли Муҳаммад Ризо Огаҳий қандай оилада дунёга келган-у, унинг аждодлари ким бўлган?

Огаҳийнинг ўзи "менинг ота-боболарим Хоразм султонларининг амирларидан ва юз номли ўзбек тоифасидан мириоблик мансабига етишганлардандир", деб ёзади (К.Муниров, "Мунис, Огаҳий ва Баённинг тарихий асарлари"). Огаҳий, қадим-қадимдан нафақат Хоразм, балки Урта Осиё хонликлари сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта мавқега эга бўлган кўнглини уруғининг иттифоқдоши — қиёт уруғининг юз тоифасида дунёга келган. "Абулғозиҳон (1643-1663) давлат ишларини тартибга солиш жараёнида бошқаруви тақомиллаштириш мақсадига уруғларни тўрт гуруҳ қилиб, тўрт тўпа атаганда Кўнгирут ва Қиёт бир тўпа бўлган". Унинг катта буваси Эшмуҳаммадий (отасининг буваси) Хива хонларидан Шерғозиҳон (1714-1726), Баҳодирхон (1726-1727) ва Ёлбарс (1727-1740)ларнинг бош вазири бўлган. У хонликнинг сиёсий уйи-лариди, хонларнинг аймақлариди а л м а - шувлариди катта ўрин эгаллаган. Эрон шохи Нодиршоҳ Хоразмга ю р и ш қилганда Эшмуҳаммадий бошчилигида босқинчиларга қаршилик кўрсатилган. Хонка атрофидаги асосий жангда Хоразм аскарлари енгилди, "Моҳи мазкурнинг (ражаб ойи) 24да сешанба кунини Нодир Ёлбарс ва Эшмуҳаммад бошлиқ Хоразм амрларидан 20 кишини шахид қилдирди". Кейинги ҳукмдорлар, шунингдек, Хоразм ахли ватан озодлиги йўлида қўшига саркарда бўлиб шахид кетган халқ қаҳрамонидек улғу зотининг оила аъзоларига беътибор қарамаган бўлса керак. Натижанда, Эшмуҳаммадийнинг ўғли Амир Авазбий (Муниснинг отаси, Огаҳийнинг буваси), неваралари Шермуҳаммад-Мунис, Муҳаммад Қиличбек-Рожик ва Муҳаммад Ёқуббек-Нозим каби давлат арбоблари, зобитлар ва шoirлар дунёга келишган. Беътибор бўлганда 3 ёшида отасидан етим қолган, йигирма ёшида суянишмаган бўлар эди. Тугма истеъдод ва иқтидор соҳиб бўлган Огаҳий ҳукмдорларнинг эътиборида, замонасининг маърифатарварлари — илм, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳурматида бўлиб, тарбия топди. Огаҳийнинг ўзи шундай дейди: "Чун бу илтифоти хумойун инояти давлат афзун қувшининг нур пошлагидан зарардор қадар ва эътибор ҳавосида ҳурматли зотлар ва яқинларим орасида муқтарам ва соҳиб иززат бўлдим".

Огаҳий, қадим-қадимдан нафақат Хоразм, балки Урта Осиё хонликлари сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта мавқега эга бўлган кўнглини уруғининг иттифоқдоши — қиёт уруғининг юз тоифасида дунёга келган. "Абулғозиҳон (1643-1663) давлат ишларини тартибга солиш жараёнида бошқаруви тақомиллаштириш мақсадига уруғларни тўрт гуруҳ қилиб, тўрт тўпа атаганда Кўнгирут ва Қиёт бир тўпа бўлган". Унинг катта буваси Эшмуҳаммадий (отасининг буваси) Хива хонларидан Шерғозиҳон (1714-1726), Баҳодирхон (1726-1727) ва Ёлбарс (1727-1740)ларнинг бош вазири бўлган. У хонликнинг сиёсий уйи-лариди, хонларнинг аймақлариди а л м а - шувлариди катта ўрин эгаллаган. Эрон шохи Нодиршоҳ Хоразмга ю р и ш қилганда Эшмуҳаммадий бошчилигида босқинчиларга қаршилик кўрсатилган. Хонка атрофидаги асосий жангда Хоразм аскарлари енгилди, "Моҳи мазкурнинг (ражаб ойи) 24да сешанба кунини Нодир Ёлбарс ва Эшмуҳаммад бошлиқ Хоразм амрларидан 20 кишини шахид қилдирди". Кейинги ҳукмдорлар, шунингдек, Хоразм ахли ватан озодлиги йўлида қўшига саркарда бўлиб шахид кетган халқ қаҳрамонидек улғу зотининг оила аъзоларига беътибор қарамаган бўлса керак. Натижанда, Эшмуҳаммадийнинг ўғли Амир Авазбий (Муниснинг отаси, Огаҳийнинг буваси), неваралари Шермуҳаммад-Мунис, Муҳаммад Қиличбек-Рожик ва Муҳаммад Ёқуббек-Нозим каби давлат арбоблари, зобитлар ва шoirлар дунёга келишган. Беътибор бўлганда 3 ёшида отасидан етим қолган, йигирма ёшида суянишмаган бўлар эди. Тугма истеъдод ва иқтидор соҳиб бўлган Огаҳий ҳукмдорларнинг эътиборида, замонасининг маърифатарварлари — илм, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳурматида бўлиб, тарбия топди. Огаҳийнинг ўзи шундай дейди: "Чун бу илтифоти хумойун инояти давлат афзун қувшининг нур пошлагидан зарардор қадар ва эътибор ҳавосида ҳурматли зотлар ва яқинларим орасида муқтарам ва соҳиб иززат бўлдим".

Мунис ОГАҲИЙНИНГ ТОҒАСИМИ? ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2001 йил, 6 апрел, 15-сон)

Мунис Огаҳийнинг кўлини олган раис" мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Лекин "тоғаси Мунис Хоразмий" деган жумла ҳаёлимни ўғирлади. Аввалига тоғаси бўлса тоғасидир-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами, дегандай бўлдим... Бирок қандайдир куч фикру ўйимни эгаллаб, тинчлик бермади. Мунис, шунингдек, Огаҳий ўзлари тўғрисида аниқ қилиб, кимга ким эканлиги ҳақида ёзиб кетган бўлсалар-да, нега биз ривоятларга таяниб айтилган гаплардан ҳамон воз кечмаймиз. Балки, бунинг баъзиларга фарқи йўқдир, лекин тарихимизни борица ўрганиши ўзига шoir қилган давримиз учун бу ҳол бефарқ эмасдек туюлади менга.

Мунис (1778-1829) ўзининг "Фирдавсулқибол" асарида шундай дейди: "Муҳаммад Раҳимхон ҳукуматининг тўртламчи йили зулқаданинг ундаи шаба кун (мил. 1809 йилнинг 17 декабрида) Эрнйёзбеккаким, фақирнинг инисидур, бир фарзанди аржуманду валади саодат пайванд ато қилди ва ул... Муҳаммад Ризобекка мавсум бўлди". Демак, Муҳаммад Ризо (Огаҳий)нинг отаси Эрнйёзбек унинг иниси, яъни укаси бўлади. Узбек деган қадимий миллатда, отанинг ака-укалари болага нисбатан амаки бўлади, она авлодининг эркаллари эса тоға, хоразмча шевада доий дейилади.

Огаҳийнинг ўзи эса "Риёз-уд давла" асарида амакиси Мунис ўрнига мириоблик мартабасига тайинланганлигини гурур ва бир олам қувонч билан қайд этади: "... Мунис мириоб ўрнига фақирим, унинг биродарзодада дастпарвардасидурман, инояти подшоҳондан мириоблик мансаби киромиси билан яқин ва қариндошларим орасида муитоз ила сарафроз қилди". СЛИДА бу сатрларни ёзмоқчи эмас эдим, лекин номи зикр этилган мақолада ҳали-ҳануз тарихимизнинг ёритилишида яқин ўтмишимизнинг таъсириндан чиқа олмаётганимиз ноилол қўлимга қалам тутишга мажбур этди. Шўролар даврида Огаҳий камбағал оилада дунёга келган-у, ноқорликда ҳаёт кечириб ўтган, деган ҳақиқатдан узоқ бўлган сафсата тарқатилган эди (бундай дейилишида, шўролар даврида Огаҳий зодогонлардан эди, дейилса, у тўғрисида ҳеч нарса айтш мумкин бўлмасди). Афсуски, бу аънада ҳозиргача давом этиб келмоқда. Аслида, Эрнйёзбек ўғли Муҳаммад Ризо Огаҳий қандай оилада дунёга келган-у, унинг аждодлари ким бўлган? Огаҳийнинг ўзи "менинг ота-боболарим Хоразм султонларининг амирларидан ва юз номли ўзбек тоифасидан мириоблик мансабига етишганлардандир", деб ёзади (К.Муниров, "Мунис, Огаҳий ва Баённинг тарихий асарлари"). Огаҳий, қадим-қадимдан нафақат Хоразм, балки Урта Осиё хонликлари сиёсий-ижтимоий ҳаётида катта мавқега эга бўлган кўнглини уруғининг иттифоқдоши — қиёт уруғининг юз тоифасида дунёга келган. "Абулғозиҳон (1643-1663) давлат ишларини тартибга солиш жараёнида бошқаруви тақомиллаштириш мақсадига уруғларни тўрт гуруҳ қилиб, тўрт тўпа атаганда Кўнгирут ва Қиёт бир тўпа бўлган". Унинг катта буваси Эшмуҳаммадий (отасининг буваси) Хива хонларидан Шерғозиҳон (1714-1726), Баҳодирхон (1726-1727) ва Ёлбарс (1727-1740)ларнинг бош вазири бўлган. У хонликнинг сиёсий уйи-лариди, хонларнинг аймақлариди а л м а - шувлариди катта ўрин эгаллаган. Эрон шохи Нодиршоҳ Хоразмга ю р и ш қилганда Эшмуҳаммадий бошчилигида босқинчиларга қаршилик кўрсатилган. Хонка атрофидаги асосий жангда Хоразм аскарлари енгилди, "Моҳи мазкурнинг (ражаб ойи) 24да сешанба кунини Нодир Ёлбарс ва Эшмуҳаммад бошлиқ Хоразм амрларидан 20 кишини шахид қилдирди". Кейинги ҳукмдорлар, шунингдек, Хоразм ахли ватан озодлиги йўлида қўшига саркарда бўлиб шахид кетган халқ қаҳрамонидек улғу зотининг оила аъзоларига беътибор қарамаган бўлса керак. Натижанда, Эшмуҳаммадийнинг ўғли Амир Авазбий (Муниснинг отаси, Огаҳийнинг буваси), неваралари Шермуҳаммад-Мунис, Муҳаммад Қиличбек-Рожик ва Муҳаммад Ёқуббек-Нозим каби давлат арбоблари, зобитлар ва шoirлар дунёга келишган. Беътибор бўлганда 3 ёшида отасидан етим қолган, йигирма ёшида суянишмаган бўлар эди. Тугма истеъдод ва иқтидор соҳиб бўлган Огаҳий ҳукмдорларнинг эътиборида, замонасининг маърифатарварлари — илм, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳурматида бўлиб, тарбия топди. Огаҳийнинг ўзи шундай дейди: "Чун бу илтифоти хумойун инояти давлат афзун қувшининг нур пошлагидан зарардор қадар ва эътибор ҳавосида ҳурматли зотлар ва яқинларим орасида муқтарам ва соҳиб иززат бўлдим".

Байт: "Орий гар шох қилса кимга қарам, Бўлғусидир кўёш била маҳмур." (Огаҳий, "Риёз-уд давла", 4-бет) Хива хонлигининг XIX аср маданий ҳаётида юз берган энг улғу воқеалардан бири, ижодий меросининг ҳажми жиҳатидан ҳам, адабиётимиз ва маданиятимиз олдида қилган хизматлари жиҳатидан ҳам ва, низоҳат, шахсий иқтидори, бадий истеъдоди ва қудрати жиҳатидан ҳам адабиётимиз тарихида Алишер Навоидан кейин турадиган Огаҳийдек забардаст ижодкорнинг худди шу замонда яшаб оғзаб этганлигидир. Шу пайтгача олимлари Огаҳийнинг Огаҳий бўлиб камолга етишида унинг амакиси Муниснинг улкан хизматлари борлигини эътироф этадилар. Лекин ҳеч ким унинг буюк ижодкор бўлишида Оллоқулихондек "тавоҳхонлиг" ва шеършунлиг" ва латифагўйлик уқувининг ҳайлида диққат тирногин андоғ ишлатур эрдиким, физалойи замонга ҳайрат бармогин тишлатур эрди", деб таъриф олган олий зотнинг хизматларини ёдламайди.

Шахсан, Оллоқулихон Огаҳийга кўп соҳаларда устозлик ва хомийлик қилди. Оллоқулихон (1794) Мунис Хоразмийдан (1778) 16 ёш кичик, Огаҳийдан (1809) 15 ёш катта эди. У шахсий тарих ва адабиётни ўзлаштиришда Муниснинг энг қобилиятли шoirларидан бири бўлган ва имкон қадар бирга бўлишга ҳаракат қилган, ҳатто ҳарбий сафарларда ҳам уни ўзи билан бирга олиб юрган. Мунис вафот этганди Огаҳий энди йигирма ёшга тўлган, ҳали шахс сифатида шаклланиб улгурмаган эди. Оллоқулихон унинг ҳали ҳаёт тажрибалари етарли эмаслигига қарамай, хонликдаги энг масъулияти ва нуфузли мартабалардан бири бўлган мириоблик мансаби билан сийлайди, ўзининг давралардаги илмий ва адабий сўхбатларига чорлайди.

Яна бир нарса эсимга келдики, "Фирдавсулқибол" Хоразм тарихининг ибтидоидан бошланиб, то 1825 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу нодир асарнинг нухсалари Европаю Америка,

Мода соат сайин ўзгариб турган ҳозирги замонда бирор либос тикиб, бировни хайратга солиш қийин. Шунинг учун ҳам Республика амалий санъат музейида "Дунё кезган либослар" деб номланган кўргазма очилганини эшитганимда унчалик эътибор бермадим. Лекин кўргазмани кўриб, тўғриси, либослар муаллифи Тожихон опа Мусаеванинг маҳоратидан хайратга тушдим. Турли йилларда турли санъаткорлар жаҳон сахналарига кийиб чиққан либослар мутлақо бир-бирига ўхшамайди. Кийимларнинг ёқаси, ёнги ва этакига тикилган гуллар бетақорор ва хайратланарли даражада бўлади. Либосларга мафтунлик ва хайрат мени Тожихон опа билан суҳбатга чорлади:

— Кўчамизнинг бир томонида косиблар, иккинчи томонида зардўзлар яшарди, — дея сўз бошлади Тожихон опа. — Бизнинг оиламиз ҳунармандлар оиласи эди. Отам Аъзамхўжа қосибни Сوغбонда ҳамма танирди. Отам махси, этик тикар, биз амиркон махсиларнинг кўнжига гул солардик.

Мен бешинчи синфда ўқиб юрган пайтимдан ўзимга кўйлак тика бошлаганман. Эллигинчи йилларда ҳали кўп қизлар ўнинчи синфгага ўқимасди. Маҳалламизда мен биринчи бўлиб ўнинчи тугатганман. Кейин ФЗУга ўқишга кириб, тоқувчиликни пухтароқ ўргана бошладим. Ўша пайтларда дарслар рус тилида олиб бориларди. Мен мактабда бу тилни яхши ўрганмаган бўлсам-да, ўқини аъло баҳоларга тугатдим. Кейин бизни амалий машғулотга жўнатишди. Қўлимдан анчагина иш келиб қолгани учун бу ерда энг мураккаб ишларни — энг ва ёқа тикишни менга топширишди.

— Тожихон опа, сиз, оддий бир чевар қиз қандай қилиб дунёга машҳур санъаткорлар даврасига қўшилиб қолдингиз?

— Мени амалий машғулот ўтган жойимда ишга олиб қолмоқчи бўлишди. Ҳатто смена бошлиқини вазифасига тақлиф қилишди. Лекин иш икки сменали бўлгани учун ота-онам у ерда ишлашга рози бўлишмади. Отамнинг Али деган ўртоғи бор эди. Навоий театрида ўт ўчирувчилар бошлиғи бўлиб ишларди. Бир кун шу киши "Театрда ишлайсанми?", деб қолди. Ота-онам рози бўлса ишлашнинг мумкинлигини айтиди. Али ака отамни кўндирди. Шундай қилиб Навоий театрига келиб қолдим. Театрда Роман Романович Аписид деган латиш киши либос тикувчи бўлиб ишлар экан. Еши ҳам саксонга бориб қолган. Пенсияга чиқай деса, ўрининга одам тайёрласан, сўнг жавоб берамиз, деб рухсат беришмас экан. Хуллас, ўша кишига шогирд тушдим. Роман Романович менга 15та шогирдга ўз хунарини ўргатган, фақат биттасини попоп чоқини ўзлаштириб олган экан. Аксига олиб, уни аскарликка олиб кетиб қолишибди. Мен Аписид

САҲНА ОРТИДАГИ ОДАМ



раҳбарлигида "Князь Игорь" операсига, "Дон Жуан" балетига либослар тайёрладим. "Гулсара" операсида Халима Носирова қиядиган кийимларга безаклар ишладим. Мукаррам опа саҳнага чиққанда оёғига қиядиган бошмоқ тикдим. У киши шу бошмоқни кийиб, "Тановар"га ўйнаганда шундай қувонганманки...

Роман Романович мендан — ўн олтинчи шогирдидан жуда хурсанд бўлди. Чунки бичиш-тиқиш ва кийимларга гул солиш сирларини жуда тез ўзлаштириб олдим. Бир кун у киши мени театрининг ўша пайтдаги директори Мамажон Раҳмонов ҳузурига етаклаб кирди:

— Мана, шогирд тайёр, энди пенсияга кетсам бўлади, — деди. Ўшандан кейин Роман Романовичга пенсияга чиқишга рухсат беришди.

Шундан буён қанча йиллар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди. Кимларга либос тикмадим... Мукаррамхоним, Тамарахоним, Қундуз Миркаримова, Гулшод Отабоева, Маъмура, Қизлархон, Дилафрўз, Малика, Мохичебра, Зиёда, Насиба, Қажрамон Дадаев, Хайрулла Лутфуллаев, Ғулмуҳоммод Ёқубов, Раҳматхон Қурбонов, Дилмурод, Элмурод, Холмурод Исмоиловлар, Эркинбой Рўзметов. Буларни санаб, санаюнга етиб бўлмайди...

— Тожихон опа, дейлик театрда ёки телевизор қаршида ўтирибсиз. Шунда бирдан саҳнада хонанда ёки раққоса сиз тиккан либосда пайдо бўлади. Мехнатингиз невасини кўриш инсонга ҳузур бағишласа керак-а?

— Албатта. Салкам қирқ беш йилдан буён шундай ҳузур билан яшайман.

Тиккан либосларим хонанда ёки раққосага ярашиб, уларни янада гўзал қилиб юборганини кўрсам, яйраб кетаман.

Билсангиз, тиккан ҳар бир либосимнинг ўз тарихи бор. Таваккал Қодиров ижро этадиган "Ухшайди-ку" ашуласига Мукаррам опа рақс саҳналаштириб, ўзлари ижро этдилар. Рақс учун мен алоҳида либос тикдим. Опа бу кийимни кийиб бора саҳнага чиқдилар-да, олдимга келиб, "Болажон, қайтарилмасин", дедилар. Шу-шу ўша либосга солган гулларни бошқа биронта кийимга ишлатмадим.

Худо раҳмат қилгур Мукаррам Турғунбоева қизларим бири кийган кийимни бошқаси киймасда, ҳар бири учун ҳар бир рақсга алоҳида либос бўлса, деб орзу қиларди. Лекин у пайтларда кийим учун оз маблағ ажратиларди. Шунинг учун "Баҳор" қизлари бирининг либосини иккинчисига кийишга мажбур эди. Ўша пайтда "Ер истаб", "Мустаҳзо" рақслари учун 41та қизнинг ҳар бирининг буйига ўлчаб алоҳида-алоҳида либос тикканман. Ишни тугатган кун йилга юборганман. Қувонганимдан. Ахир, бу жуда машаққатли ва оғир иш эди-да.

Айрим пайтларда янги либос учун мато ҳам топилмай қоларди. 1974 йилда Филармониянинг концерт залига янги парда олинди. Эски пардадан эса "Лази" ансамблининг "Буҳороча" рақси учун либос тикдим. Мато эски бўлгани билан либос шундай чиройли чиқдики, кўрсангиз ҳавасингиз келади.

Қайсиюр йили Гулшод Отабоева янги дастур тайёрлади. Ўша пайтларда оёғим синган, гипсда эдим. Шу ҳолимда

дастур учун либос тикдим. Кейинроқ шу дастур учун Гулшод Отабоева "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонини олди.

Яна бир гап. Бир кун уйимга "Ялла" ансамблининг раҳбарларидан бири Рижков келди. Ансамбл учун оқ парча матодан саккизта либос тикиб, қизил ипақдан гул солиб беришимни илтимос қилди. Тугруқ таътилида эдим. Либосларни жуда қисқа муддатда тайёрлаш лозим эди. Шунинг учун фарзандим ёшлигини, йиғлоқлигини баҳона қилиб, рад жавобини бердим. Аммо Рижков туриб олди. "Хохласангиз, фарзандингизга энга ҳам толиб берамиз", деди. Шундан сўнг рози бўлдим. Либосларни тиккунимча "Ялла"нинг кийим танловчиси Таяна фарзандимга энгалик қилди.

— Санъаткор учун либоснинг аҳамияти қанчалик. Албатта, қўлгина хонандаю раққосаларнинг шон-шухратга эришишида, унвонлар олишида оз бўлса-да, сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. Ўша санъаткорлар қувончли кунларида сизни ҳам эслашадими?

— Қўллари эслашади. Ёдингизда бўлса, илгари ҳар йили қишлоқ кўчалик ходимларининг қурултойи бўларди. Йиғилиш охирида санъаткорлар ижросида катта концерт кўрсатиларди. Шундай қурултойларнинг бирида "Баҳор" қизлари "Мустаҳзо" ни ижро этишибди. Қизлар саҳнага чиқиши билан залдагилар уларнинг либосини кўриб "оҳ" деб юборибди. Эртаси кун Қундуз опа мени кучоқлаб бағрига босаркан, қувончини шундай илҳоз этди: "Бу муваффақиятнинг ярми сизники".

Яна бир воқеа: Бир кун уйда ош дамлаб турсам, эшик тақиллади. Бориб очдим. Остонада Наргиза Олимова турди. Қўлида бир даста гул. У гулларни менга тақдим этар экан, "Сиз тиккан либослар Тошкент маликаси бўлди", деди. Кейин билсам, Наргиза ўша кун "Тошкент маликаси" кўригига голиб чиқиб, кўмик ўтган залдан тўғри менинг уйимга келган экан. Менга берган гуллари ҳам Наргизага — Тошкент маликасига тақдим этилган гуллар экан. Шундай пайтларда қилган меҳнатимга минг марта лабоз рози бўламан.

Лекин беш бармоқ баробар эмас. Баъзан кўнглимга оғир ботадиган, қалбингни ярайайдиган гап-сўзлар ҳам бўлиб туради. Шу кўргазманни ташкил этиш учун жуда кўп ташкилотлар бош-қош бўлди. Маданият ишлари вазирлиги вақиласи Дилфуза Хонбобоева иккимиз либосларни йиғмоқчи бўлди. Лекин айримлар ўзим тиккан либосни кўргазма учун беришни хоҳламади.

— Мана, барибир кўргазма очилди-ку. Бундан ташқари, Сиз ҳақингизда "Дунё кезган либослар" деб номланган филм ҳам ишлатибди. Ўтган йили кўшмаълимининг юксак мукофоти — "Шухрат" медалига сазовор бўлдингиз. Тиккан либосларингиз дунё кезгани рост. Ўзингиз ҳам чет элларда бўлганми? Сиз ҳиндча,



Бекқул ЭГАМҚУЛОВ

Дунё — кенг... БЕДАВО ДАРД ДАВОСИ

Дард берганнинг ўзи давосини ҳам дариг тутмайди, дейди кексалар. Дарҳақиқат, бизнинг замонамизда бедаво ҳисобланган СПИД ёки саратон касаллигига, мана, неча йилларки даво қилирилмоқда. Дунёнинг энг замонавий жиҳозлар билан қуролланган илмий-тадқиқот марказларида ана шундай изланишлар давом этаётир. Бу борада муайян ютуқлар ҳам йўқ эмас. Энг кейинги янгиликлардан бири Россиянинг Новосибирск шаҳри медиқларига тегишли. Гипертермия деб аталувчи бу даволаш усули, аслида, дунёдаги бир қанча клиникаларда қўлланиб келинади. Бироқ Новосибирсклик врачлар инсон танасини ҳозирча эришилмаган даражада, яъни қирқ тўрт градусгача қиздиришга муваффақ бўлишдики, бу ҳароратда СПИД вируслари ҳалок бўларкан. Бундай юқори ҳарорат одам танасидаги вирусларни йўқотиб, киши ҳаётига ҳаф солмас экан. Албатта, даволаш жараёнида гипертермик ваннага туширилмайдиган беморга осон бўлмади, унга сунъий йўл билан нафас бериб турилади, барча аъзоларининг ишлаши кузатиб борилади ва хоказо. Мутахассислар фикрича, ана шу методда даволанганда бемор танасидаги СПИД вируслари юз минг мартага камамар экан. Бошқариладиган гипертермия усулида даволаниши мумкин бўлган беморларнинг, аввало, юраги бакуват бўлиши керак. Новосибирск медиқларининг бу даволаш усули яқинда Монреалда ўтган анестезиологларнинг халқаро конгрессида беш совринга лойиқ, деб топилди.

СИРЛИ ТАБАССУМ СИРИ

Беш асрдан бери буюк мусаввир Леонардо да Винчи яратган тенгиси Мона Лиза портрети кишиларни ўзининг сирли табассуми билан хайратга солиб келади. Бу табассумнинг сирини ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Жумладан, бир италиялик тибб доктори Мона Лизанинг табас-сумини "тиши оғриб турган"га йўйган бўлса, айримлар портрет-даги аёл аслида мусаввирнинг ўзини аёлга ўхшатиб чизган сурати, у томошабинларни лақиллатиб-ганидан қилиб турибди, дейдиши.

Яқинда Гарвард университети олимлари бу масалада ўзига хос кашфиётни эълон қилишди. Уларнинг таъкидлашича, асар Мона Лизанинг кўзига тик қараб турилса, унинг юзининг паст қисми кўзга иллинади ва билинар-билинмас табассумини илғаш мумкин. Агар назаримизни унинг лабларига қадасак, табассум йўқдай туюлади. Шу тарихка бизга Жақонда суратидаги сирли табассум бир кўриниб, бир йўқолгандай таассурот қолдиради.

Леонардо да Винчи фақат сурат чизмаган. У анатомия, ботаника, картография, механика каби соҳаларни ҳам пухта оғаллаган. Шу боис мутахассислар буюк мусаввир ўзи чизган портретлар орасини авлодларга қандайдир сирни, муҳим янгиликни етказишга уринган бўлиши керак, деган тахминларни айтишади. Бу сирни очиб, янгиликдан тўла воқиф бўлиш эса авлодларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон Бадий Академияси раиси, академик Турсунали Қўзиевга волидаи муҳтарамаси **ИБОДАТХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳоз этади.

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирамшаси ҳамда "Дийдор" болалар ва ўсмирлар театр-студияси актёр **МУҲАММАДЖОН АҲМЕДОВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин биродарларига ҳамдардлик билдиради.

Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Ўзбекистон Бадий Академияси раиси, академик Турсунали Қўзиевга онаси **ИБОДАТХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳоз этади.

БАРДАВОМ САБОҚЛАР

Профессор Фаттохон Мамадалиев дарс ўтган чоғда хона эшиги ташқарисида ҳам одам гавжум бўлар эди. Улар орасида таниқли санъаткорларни ҳам, ҳали танилмаган мусиқачи йигит-қизлару зукко шинавандаларни ҳам кўрганман. Улар Фаттохон ака дарсини тугатиб чиққан-ларида, ўраб олиб саволга тутишар, маслаҳатлар сўрашар эди. Машҳур ҳофиз миллий мусиқий ижрочилик ва иҳод масалаларида жуда фойдаланиб, аммо дарслиқларда, китобларда йўқ илмий-усулбий қарашлари, мусиқий-назарий мулоҳазалари, 50 йиллик тажриба самараси бўлган тарихий-таҳлилий кузатувлари билан ўртоқлашган-ларида, кишилар: "Уста — ҳазина, айтганларини ёзсалар неча рисола бўлади", дейишарди. Ниҳоят, улкан бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофизи, профессор Фаттохон Мамадалиевнинг "Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари" номи мусиқа илмига оид рисола сиз чоп этилди.



Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари

У "Миллий хонандлик ва унинг овоз хусусият-лари", "Овозни ишлатиш масалалари" ва "Миллий мусиқа чоғуларимиз ва уларни сошлаш" каби мақолаларга бўлинган. Биринчи мақолада Ўзбек миллий хонандчилигининг Фарғона — Тошкент удумлари на-зарда тутилган ҳолда овоз таснифи, асосий 7 синфнинг ўз номлари билан алоҳида-алоҳида таърифи

бор. Масалан, жарангдор, қуврак овоз ҳақида рисолада, жумладан, шундай таъриф берилади: "Қуврак овоз паст пардаларда ҳам, юқори пардаларда ҳам ўзининг жарангдор сифатларини йўқотмайди. Унинг табиати шундайки, жарангдорлиги ва тиниқлиги тўғрисида ҳар қандай мулоҳазани ҳам акроби эшитилаверади. Авж пар-даларда юқори, жумладан, унинг октава "до" товушига қадар етади. Шунингдек, қуйи пардаларда ҳам бундай овоз аниқ ва раван эшитилади. Тараладиган товушларда кўпроқ ўйноқи, безакларга бой пардаларининг қўлигини кузатиш мумкин. Мисол қилиб Маъмуржон Узоқов, Акбар Хайдаров, Расулқор Мамадалиев, Комилжон Ҳамроқулов, Зокиржон Тўраев, Назарали Дадажонов каби

шулачиларни кўрсатиш мумкин". Иккинчи мақолада оғиз бўлишгидан фойдаланиш, хиргойи усулида айтиш, унли ва ундшо товушларни баланд пардаларда олиш борасида маслаҳатлар бор. Миллий мусиқа чоғуларимиз ва уларни сошлаш ҳамда боғлаш масалаларига бағишланган учинчи мақоладаги танқидий фикрлар ниҳоятда долзарб. Рисола охиридаги қичик мақолаларда айрим кўҳна чоғуларимизда миллий хусусиятлар йўқолиб бораётгани ва унинг олдини олиш, чоғу йўллариди ва мақом ашуларидидаги доира зарбларининг воҳалардо фарқланиши ва муштараклиги масалалари ўрганилади.

Фаттохон Мамадалиев рисолаи зарур нота ёзуви билан ҳам бойитиш ниётида эди, аммо вақт етмади. Бу иш келажакка, шогирдларга қолди.

Рисолаи нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Равайн Юнусов муқаддимада таъкидлаганидек, "Фаттохон Мамадалиев билдирган айрим фикр-мулоҳазалар, у ёки бу воқеа ва ҳодисага берган шахсий баҳолари баҳсли туюлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бироқ, қандай муносабатда бўлинишидан қатъий назар рисоладаги мақолалар чинқам тарихий аҳамиятга молик маълумотларни ўз ичига олган".

З. ОРИПОВ, доцент

Ўтган йилнинг июн ойида "Буюк Ипақ йўли: театр саёҳати" лойиҳаси доирасида "Муаллифлик театр студиялари учрашувлари" Қарши шаҳрида ўтказилганидан хабарингиз бор. Ана шу анжуман жараёнида халқаро фестивал директори, германиялик танқиди режиссёр Роберто Чули томонидан Мюльхайм шаҳрида ўтадиган "Марказий Осие театрилари жүғрофияси" халқаро анжуманида иштирок этувчи жамоалар танлаб олинганди. Булар — Республика Еш томошабинлар театрининг "Боз масҳарабоз" ва Қаршидаги "Эски мачит" театр-студиясининг "Қобил ила Хобил" спектакллари бўлиб, Германияда муваффақиятли намойиш этилди. Айниқса, "Боз масҳарабоз" спектаклидан сўнг томошабинлар, фестиваллар директорлари, муҳаррирлар ва мутахассислар спектаклларимизни астойдил олқишладилар.

Мюльхайм шаҳридаги "Ан дер Рур" театри жамоаси апрел ойида Ўрта Осиега и ж о д и й с а ф а р л а р и н и Тошкентдан бошладилар. Театрининг бадий раҳбари Роберто Чули саҳналаштирган танқиди немис муаллифи Петер Хантке қаламига мансуб "Каспар" деб номланган саҳна асари томошабинларимизга ҳавола этилди. Спектаклдан сўнг германиялик санъаткорлар билан ижодий учрашув бўлди. Жаноб Роберто Чули ўтган анжуманлар ҳақидаги ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. "Ушанда, — деди у, — юксак маҳорат, профессионал жиҳатдан кучли актёрларга эга бўлган икки замонавий ўзбек театрининг саҳна санъати Европада бор бўйи билан намёнён бўлганди... Бунга Олимжон Салимовнинг спектакли ёрқин бир далил. Масҳарабозлик санъати Европада сўнгги йилларда янги бир шаклда ривожланиб, томошабинларга маъқул бўлмоқда. Театрда энг ёрқин ўйин саҳналаридан ҳисобланадиган бу санъатни эплайдиган актёрларни топиш осон эмас. Шунинг учун ҳам биз европаларини "Боз масҳарабоз" бадий мукаммаллиги билан хайрон қолдириди. Ўзбекистонда шундай масҳарабоз санъаткорлар борлиги Эски Жувадаги болалар театрига янгилик кирганидан далолат беради. Биз рус масҳарабозлик санъатини жуда яхши биламиз. Лекин ушбу фестивалда Германия томошабинлари ўзбек актёрларининг бундай ўзига хос қизқарқин санъатларидан ҳам воқиф бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Олимжон Салимовни "Офарин" мукофотида сазовор бўлганлиги билан чин қалбимдан табриқлайман.

"Қобил ила, Хобил" эстетик қарашларимиз нуқтаи назаридан биз учун янгиликдир. Асарининг бадий яхлитлигини таъминлайдиган аънанавий унсурлар қўп. Аслида Байроннинг бу асари асосидаги спектаклда кўзга ташланадиган асосий хусусият унинг шарқона шаклга эгаллигидир. Саҳна безаклари, актёрларнинг

"АН ДЕР РУР" ТЕАТРИ ТОШКЕНТДА

халқларини бир-бирини кўпроқ тушунишга даъват этади. Умуман олганда, театрнинг "ижтимоий-маданий институт" сифатидаги аҳамияти кенгайиб бормоқда. Умид қиламанки, биз кўрсатган "Каспар" спектаклидан томошабинлар ўзлари учун муҳим бўлган фикрни илғаб оладилар..."

Дарҳақиқат, "Каспар" спектакли умуминсоний, долзарб муаммоларни кўтариб, кишиларни оғоҳ бўлишга чорлайди. Драматург Петер Хантке ўз асарида биргина Каспар Хаузер (Мария Найманн)нинг ҳаёти, унинг тақдир ҳақида эмас, балки кимнингдир ҳаётида бўлиши мумкин бўлган нарсалар ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлганини ёзади. Муаллифнинг таъкидлашича, асарни "Гап билан қийноққа солиш" деб номласа ҳам бўлади. "Каспар" спектаклини шартли равишда уч қисмага бўлиш мумкин: Каспар ўз-ўзини ва дунёни тушуна бошлаганидан сўнг гапни ва гапларни фаҳмлаш қобилиятини ўзлаштириганидан хурсанд. Иккинчи қисмда Каспар ўзига ишонган, ижтимоий жиҳатдан бакуват одам. Учинчи қисмда гап унинг вужудини бузиб, бошини айлантиригани ҳақида сўз юритилади. Роберто Чули пьесада кўпроқ тақдир ҳаракатларга аҳамият бергандай, лекин спектаклнинг иккинчи кўринишида, актёрлар ансамбли ёрдамида Мария Найманн яратган Каспар (Аёл роли ҳам, Хайкал ҳам) образининг моҳияти очилади.

Спектакл тугатгандан сўнг олқишлар 10-15 дақиқа тинмади. Кейин немис санъаткорлари Еш томошабинлар театри тайёрлаган концерт ва театрлаштирилган спектаклини кўрдилар. Олмаота шаҳрига жўнаш олдидан Роберто Чули ўз миннатдорлигини билдириб, Еш томошабинлар театри жамоаси билан ҳамкорлигимизни янада ривожлантирамиз, деди.

Т.ЙУЛДШОВ, санъатшунослик номзоди



Бекқул ЭГАМҚУЛОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибхона — 133-49-93; 136-56-56

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48

Редакцияга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БИНОСИДА
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топшириш вақти— 20.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-ранда билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2009. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.